

ЖИНОЙ АКТИВЛАРНИ ҚАЙТАРИШ ЖАРАЁНЛАРИДА САМАРАДОРЛИККА ЭРИШИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Зокиров Ботиржон Пулатхужаевич

Мустақил изланувчи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14864125>

Аннотация. Мақолада жиноий фаолиятдан оинган даромадларни қайтариш механизмининг ҳозирги ҳолати, мазкур йўналишини такомлаштириш масалалари, таъсир этувчи омиллар, аҳамиятли жиҳатлар ҳамда етакчи хорижий ташилотларнинг тавсиялари кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: илгор тажрибалар, халқаро ташилотлар, активларни декларациялаш, - разведкавий маълумотлар, далилларни йиғиш, ФАТФ тавсиялари, БМТ Коррупцияга қарши кураш Конвенцияси, ЭГМООНТ.

ПРИОРИТЕТНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ДОСТИЖЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ В ПРОЦЕССАХ ПО ВОЗВРАТУ АКТИВОВ, ПОЛУЧЕННЫХ ПРЕСТУПНЫМ ПУТЕМ

Аннотация. В статье изложены современное состояние механизма возврата доходов, полученных преступным путем, вопросы совершенствования данной сферы, факторы, влияющие на него, важные аспекты, а также рекомендации ведущих зарубежных организаций.

Ключевые слова: передовой опыт, международные организации, декларирование активов, разведка, сбор доказательств, рекомендации ФАТФ, Конвенция ООН против коррупции, ЭГМООНТ.

PRIORITY AREAS FOR ACHIEVING EFFICIENCY IN THE PROCESSES OF RETURNING ASSETS OBTAINED BY CRIMINAL MEANS

Abstract. The article presents the current state of the mechanism for returning criminal proceeds, issues of improving this area, factors influencing it, important aspects, as well as recommendations of leading foreign organizations.

Keywords: best practices, international organizations, asset declaration, intelligence, evidence collection, FATF recommendations, UN Convention against Corruption, EGMONT.

Мамлакатни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида давлат ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини ислоҳ қилиш борасидаги вазифаларни самарали амалга ошириш, молия тизими барқарорлигини таъминлаш жиноий фаолиятдан олинб, Ўзбекистондан четга чиқарилган даромадларни қайтариш бўйича янги вазифаларни қўймоқда.

Сабаби, айтилиши мумкин жиноий фаолиятдан олинган даромадларни Ўзбекистондан четга чиқиши билан боғлиқ қуйидаги хавфлар мавжуд:

- ялпи ички маҳсулотда яширин иқтисодиёт улушининг юқорилиги;
- сохта тадбиркорлик фаолиятини юритиш ҳамда тадбиркорлик субъектлари томонидан сохта молиявий-хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолатларнинг мавжудлиги;
- коррупция, божхона ва солиқ соҳасидаги жиноятлар, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятларнинг сақланиб қолиниши;
- нақд пул билан боғлиқ тўловларнинг кенг тарқалганлиги ҳамда трансчегаравий пул ўтказмаларининг юқорилиги.

Бундан кўзланган мақсад миллий тизимни халқаро ҳужжатларга ва андозаларга мувофиқлигини таъминлаш, республиканинг молия тизимини ҳар қандай жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш ҳамда янада мустаҳкамлаш, давлат органлари, молиявий ва номолиявий ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, хорижий давлатлар, шу жумладан халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни қайтариш соҳасида ҳамкорликни янада кенгайтиришни ифодалайди.

Мазкур илғор тажрибалар қаторида активлар ва мулкӣ манфаатларни декларациялаш чоралари превентив воситалардан биридир. Ушбу восита манфаатлар тўқнашувини олдини олиш, ноқонунӣ бойлик орттириш ҳолатларини аниқлаш, шунингдек, молиявий суриштирувларга кўмаклашиш ҳамда ҳукуматни жамоатчилик олдидаги ҳисобдорлигини оширишга ва ишончини қозонишга ёрдам бериши мумкин.

Бундан ташқари, активлар ва манфаатларни оммага наشر этиш фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга амалдорларни ноқонунӣ, асосланмаган бойлик орттиришлари ва шу каби бошқа қонун бузилишларини фoш этишга имкон берувчи маълумотларни тақдим қилиши мумкин.

БМТ КҚКК иштирокчи давлатлардан амалдорларни давлат хизматчиси сифатидаги функцияларини амалга оширишда манфаатлар тўқнашуви юзага келишини олдини олиш мақсадида уларни ташқи фаолиятлари, машғулотлари, инвестициялари, активлари ва фойдалари тўғрисида эълон қилишларини мажбурийлиги тўғрисида тизим ташкил қилишга чақиради (8.5-модда). Шунингдек, ушбу конвенция амал қилмаган ҳолатларда тегишли санкцияларни кўзда тутувчи ва молиявий ошкораликнинг самарали тизимини яратиш масаласини кўриб чиқишни тавсия этади (52.5-м.). Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, 2017 йилда ушбу восита 161 мамлакатда жорий этилган[1].

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари учун коррупцияга қарши кураш тармоғи (АКС) ўзининг коррупцияни олдини олиш бўйича ишларида ушбу жараёнларни кенг ёритиб боради[2]. Ҳозирда ушбу масалалар Ўзбекистоннинг ҳам сиёсий кун тартибига қўйилган бўлиб, ислохотлар жараёни бошланган[3].

Активлар ва моддий манфаатларни декларациялаш одатда юқори ва ўрта бўғиндаги мансабдор шахсларга, тайинланган ёки сайланган судья, прокурор ва давлат ташкилотларининг раҳбарларига нисбатан қўлланилади. Баъзи давлатларда ушбу қоидалар давлат хизматчиларининг нисбатан кенгрок тоифаларига нисбатан қўлланилади. ИХТТга аъзо кўплаб мамлакатлар эса соҳадаги хавфни баҳолаш ёндашувига асосланишади.

Информацион технологиялар ривожланган ҳозирги даврда активлар ва моддий манфаатларни декларациялаш электрон тарзда амалга оширилиши мумкин.

Жаҳон банкининг тадқиқотларига кўра, декларациялаш жараёнларини электрон тарзга ўтишининг афзалликлари қуйидагилардан иборат:

- маълумотларни бошқаришни қулайлиги ва хавфсизлиги;
- ҳуқуқни қўллашдаги самарадорлик;
- шаффофлик;
- жамоатчилик масъуллигини ошириш[4].

Активларни декларациялаш қоидаларини бузиш қонунда белгиланган жавобгарликни келтириб чиқариши лозим. Одатда декларацияларни ўз вақтида ёки умуман тақдим қилмаслик маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида квалификация қилинади, била туриб ёлғон маълумотларни тақдим қилиш эса жиноят сифатида баҳоланади[5].

Активларни қайтаришдаги профилактик чоралар сифатида халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш масалалари тўғрисида фикр юритиш мумкин.

БМТнинг КҚКК (51-модда)га асосан активларни қайтариш унинг асосий принципларидан ҳисобланиб, иштирокчи-давлатлардан ушбу масалалардан кенг тартибдаги халқаро ҳамкорлик ва ҳуқуқий ёрдамни талаб қилади. Шунингдек, Конвенцияда жиноят натижасида орттирилган даромадларни четга чиқиб кетишини аниқлаш, олдини олиш, активларни мусодара қилиш, қайтариш ва уларни тақсимлашнинг бир қанча воситалари кўрсатилган.

Профилактик чоралар нуқтаи назардан Конвенция молиявий ташкилотлардан миждозларни синчковлик билан текширишни, катта миқдордаги қирим қилинган маблағларнинг бенефициар эгалари ҳамда сиёсий аҳамиятга молик шахсларнинг ҳисоблари устидан қаттиқ назорат қилишни талаб қилади.

БМТ КҚКК 53-моддаси иштирокчи-давлатлардан ўзларининг юрисдикцияларида бошқа иштирокчи давлатга ноқонуний чиқиб кетилган активларни қайтариш бўйича тегишли чоралар кўриш, фуқаролик даъвосини кўзғатишни таъминлашни талаб қилади.

Моддий зарарни қайтариш, компенсация масалаларида иштирокчи-давлатлардан бошқа жабрланувчи давлат судларида фуқаровий даъвогар ва жабрланувчи сифатида қатнашишларини таъминлашларини талаб қилади[6].

Активларни қайтаришдаги халқаро ҳамкорлик механизмларидан бири сифатида чет давлатда жиноят натижасида орттирилган даромадлар юзасидан хорижий давлатнинг конфискация юзасидан юборган қарорлари ижросини таъминлаш кўрсатиб ўтилган.

57-модданинг 3-бандида коррупциявий жиноятлар натижасида конфискация қилинган активларни тақсимлаш масалалари батафсил ёритиб ўтилган бўлиб, унда активларни сўров юборган жабрланувчи давлатга қайтариш юзасидан процессуал ҳаракатлар ҳақида сўз боради[7].

Амалий нуқтаи назардан активларни қайтариш жараёни қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олади:

-разведкавий маълумотлар ва далилларни йиғиш ҳамда активларни тезкор қузатиш (мамлакат ичида ва хорижий юрисдикцияда);

-активларни сақланишини таъминлаш (мамлакат ичида ва хорижий юрисдикцияда);

- суд жараёнлари (компенсация ва зарарни қайтариш бўйича суд ҳукмини олиш);

- ҳукми ижро этиш, активларни қайтариш[8].

ФАТФ тавсияларига кўра, конфискация чораларини таъминлашда ваколатли органлар бир қанча ваколатларга эга бўлиши лозим:

а) активларни аниқлаш ва баҳолаш;

б) активларни музлатиш, хатлаш;

с) активларни қайтарилишини таъминлаш учун уларни бошқариш юзасидан тегишли чораларни кўриш[9].

БМТ “Коррупцияга қарши кураш Конвенцияси”нинг 31-моддаси ҳамда ЕК “Жиноятлар натижасида орттирилган даромадларни излаш, хатлаш, ва мусодара қилиш тўғрисида”ги Конвенциясининг 4-моддаси, шунингдек, ЕК “Жиноятлар натижасида орттирилган даромадларни излаш, хатлаш, ва мусодара қилиш ва терроризмни молиялаштириш тўғрисида”ги Конвенцияси (2009 й.; №198 (4, 6 ва 16-модда)) ва ФАТФ тавсияларига асосан ҳар бир давлат активларни қайтариш ва уларни бошқариш билан шуғулланувчи органларни ташкил этишлари кўрсатиб ўтилган.

КҚКК бўйича Истанбул фаолияти режасининг Ўзбекистонга оид мониторингининг 4-раунди давомидаги таҳлилларга кўра, хориждан активларни қайтариш ва уларни бошқариш билан боғлиқ процессуал ҳаракатлар ХМҚО органларнинг тергов идоралари зиммасида қолмоқда ҳамда ушбу механизмнинг самарасиз эканлиги юзасидан хулосалар қилинган.

Мавжуд тергов органлари дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказишга мўлжалланган бўлиб, жиноят натижасида талон-торож этилган активларни қидириш, хатлаш, мусодара этиш ва бошқаришга мўлжалланмаган. Бундан ташқари, тергов идоралари мутахассисларининг ушбу ҳаракатларни амалга оширишда етарлича билим ва тажрибага эга ҳам эмас, айниқса, активлар хорижда бўлганида ушбу жараён янада мураккаблашади.

КҚК бўйича Истанбул фаолияти режаси бўйича мониторингининг Ўзбекистон учун тавсиялар ишлаб чиқиш бўйича 4-раунди давомида Ўзбекистон Жиноят-процессуал кодекси активларни қайтариш масалаларида БМТнинг 53-моддасига тўлиқ мувофиқ келади деб баҳоланмаган. Миллий қонунчиликни БМТнинг КҚК Конвенцияси 57 моддасига мослаштирилиши лозим[10].

Бундан ташқари, БМТ Наркотик ва Жиноятларга қарши кураш бошқармаси ва Жаҳон банкининг талон-торож этилган активларни қайтариш бўйича ҳамкорликдаги қўшма дастури (Stolen Asset Recovery Initiative, StAR) – ҳам кўплаб давлатларга ёрдам беради[10].

Жиноий активларни Ўзбекистонга қайтариш масалаларини ташкилий жиҳатидан такомиллаштириш мақсадида, “ЭГМОНТ” – молиявий разведка бўлинмалари гуруҳи, “АСАМС”, “АСФЕ” ва “АССА” каби ташкилотлар фаолиятида Ўзбекистоннинг ўрнини кенгайтириш лозим.

“ЭГМОНТ” – молиявий разведка бўлинмалари гуруҳи. 1995 йил бир неча давлатлар ва ташкилотларнинг вакиллари Брюссел шаҳрининг Эгмонт-Арноберг қасрида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши масалалар юзасидан тўпланиб, мазкур фаолиятни ривожлантириш мақсадида ташкилотга асос солишган. Асосий мақсади жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш масалаларида аъзо давлатларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб боради ҳамда ўзаро ҳамкорликни рағбатлантиради.

Айни вақтда “Эгмонт” гуруҳига 155 мамлакат аъзо, 2011 йилда Ўзбекистон ҳам аъзо бўлган. 2018 йил 5 сентябрь кунги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 710-сон қарори билан мазкур гуруҳда Ўзбекистон фаолиятини йўналишлари кўрсатилиб, Ўзбекистон номидан махсус ваколатли орган сифати Бош прокуратура қошидаги Иқтисодий жиноятларга қарши кураш Департаменти белгиланган[11].

АСФЕ – молиявий жиноятларга қарши сертификатланган мутахассислар ассоциацияси. 1988 йил Джозеф Уэллсом томонидан ташкил этилган. АҚШнинг Техас штатида жойлашган. Ташкилот фаолиятининг асосий йўналишлари молиявий жиноятларнинг турлари, содир этилиш шакллари ҳамда уларни фош этиш юзасидан мутахассисларни тайёрлаш ҳамда ушбу йўналишда қўлланмалар ишлаб чиқишдан иборат.

Джозеф Уэллсом узоқ йиллар давомида Федерал тергов бюросида ишлаб, орттирган кенг тажрибасини ушбу лойиҳалар асосида тарғиб қилиб келган.

Ҳозирга келиб унинг ушбу тажрибасини ўзининг маслақдошлари давом эттириб келмоқда. Айни вақтда дунё бўйлаб 190дан ортиқ филиаллари мавжуд.

АСФЕда тайёрловдан ўтган мутахассислар молиявий жиноятларнинг янги кўринишларини фош этиш билан бирга, ўзларининг тавсиявий йўриқномалари билан кўплаб жиноятларни фош этишда ёрдам бериб келмоқда[12].

АССА – молия ва аудит соҳасидаги мутахассисларни жамловчи, сертификатланган бухгалтерларнинг Британия ассоциацияси. 8 нафар Лондонлик бухгалтерлар ассоциацияси томонидан 1904 йилда асос солинган. Штаб-квартираси Лондонда жойлашган, дунё бўйлаб 181 та филиаллари мавжуд, 630 000 ортиқ мутахассисларга эга. Фаолият йўналиши молия ва бухгалтерлик соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш ва ушбу йўналишда тавсиявий дастурларни ишлаб чиқишдан иборат бўлиб, бундан кўзланган мақсад, мазкур йўналишда юзага келиши мумкин бўлган жиноят ва ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш ва жиноий даромадларни қайтаришда самарали натижаларга эришидан иборат.

АССА томонидан ишлаб чиқилган ўқув дастурлари БМТнинг “профессионал бухгалтерлар учун миллий қўлланма” номли дастурнинг асосий қисмини ташкил қилади[13].

Айни вақтда Жиноят-процессуал кодексида жиноий даромадларни қайтариш масалалари ўзаролик принципи асосида амалга оширилади. Келгусида шартномалар асосида активларни қайтариш амалиётини кенгайтириш лозим ва унда активларни қайтаришда мол-мулкни бўлиш масалаларини кўриб чиқилади.

Шунингдек, Жиноий даромадларни қайтариш ҳамда уларни бошқариш масалалари билан шуғулланувчи давлат органлари фаолиятини марказлаштириш лозим. Мазкур функцияни бугунги кунда Идоралараро комиссия мисолида мувофиқлаштириб бориш ёки алоҳида давлат органини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Мисол учун, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш юзасидан халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича Бош прокуратуранинг Халқаро ҳамкорлик бошқармаси, моддий зарарни ундириш билан боғлиқ масалалар Мажбурий ижро бюроси, молиявий разведка масалалари билан иқтисодий жиноятларга қарши кураш Департаменти шуғулланади.

Фикримизча, юқорида қайд этилган чора-тадбирларнинг айримлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» ПФ-6252-сон Фармонида белгиланганлиги сабабли ижро этилиш тенденциясини янада ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

REFERENCES

1. Росси, Ивана М., Лаура Поп и Таммар Бергер (Rossi, Ivana M., Laura Pop, and Tammar Berger) 2017. Получение полной картины о должностных лицах: практическое руководство по эффективному раскрытию финансовой информации. Серия восстановления украденных активов (StAR). Вашингтон, округ Колумбия: Всемирный банк. DOI: 10,1596 / 978-1-4648-0953-8.
2. Информацию о работе ОЭСР/АКС по предотвращению коррупции можно найти на сайте: www.oecd.org/corruption/acn/preventionofcorruption.
3. Постановления Президента Узбекистана «О поэтапном введении системы декларирования имущества, доходов и расходов отдельных категорий государственных служащих и созданию необходимой технической инфраструктуры» ID-8647 /<https://regulation.gov.uz/oz/document/8647> - 23/10/2019г.
4. Котляр, Дмытро; Поп, Лора (Kotlyar, Dmytro; Pop, Laura). 2019. Электронная подача деклараций об активах: преимущества и проблемы (на английском языке). Вашингтон, округ Колумбия: Группа Всемирного банка. [http:](http://)

//documents.worldbank.org /curated/en/448191561650076794/E-filing-Asset-Declarations-Benefits-and-Challenges

5. Всемирный банк. Получение полной картины о государственных должностных лицах: практическое руководство по эффективному раскрытию финансовой информации (2017), Ивана М. Росси, Лаура Поп и Таммар Бергер (IvanaM. Rossi, LauraPop, and Tammar Berger), с. 108
6. УНП ООН, Методическое пособие по КООНПК, стр. 202,
7. СТАР, РГВ/УНП ООН (2011), Справочник по возвращению активов, Руководство для практических работников, стр. 6, [https:// star.worldbank.org /sites/star/files / Asset Recovery Handbook.pdf](https://star.worldbank.org/sites/star/files/AssetRecoveryHandbook.pdf).
8. ФАТФ, Международные стандарты по борьбе с отмыванием денег и финансированием распространением терроризма, Рекомендации ФАТФ, Рекомендации 4 и 38
9. ОЭСР/АКС (2019), Отчет о четвертом раунде мониторинга Узбекистана, стр. 224.
10. <https://star.worldbank.org>.
11. www.norma.uz
12. www.acfe.com
13. www.accaglobal.com